Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1993 йил 13 октябрь, чоршанба — № 64 (6575). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон—Туркия:

МУАЛЛИМЛАР КЕЛИШДИ

Маълумингизким, янги ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистонда Туркия миллий таълим вазирлиги томонидан яна 7 та лицей очилиб, ўз фаолиятини бошлаганди. Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мазкур ўқув даргоҳларида таълим-тарбия бериш учун Туркиядан келган 26 нафар ўқитувчини қабул қилди.

Вазир меҳмонларга мустақил жумҳуриятимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган вазифалар ва муаммолар ҳақида сўзлаб берди. Кўпгина соҳаларда жаҳон стандартига эришган туркиялик биродарларимиз ўз оғалари бўлган ўзбек болаларига ҳам муносиб даражада таълим берадилар, дея ишонч билдирди.

Туркиянинг Ўзбекистондаги элчисининг маориф ишлари бўйича маслаҳатчиси Муаммар Ўздемир ўқитувчилар зиммасида турган муҳим вазифалар хусусида гапириб, уларга шу юмушларни кўнгилдагидек қилиб уддалашларида муваффақиятлар тилади.

Туркиядан келган ўқитувчилар номидан сўзга чиққан Маҳир Атаманнинг ҳаяжонланиб айтган сўзлари йиғилганларда, айниқса, чуқур таассурот қолдирди:

— Ўзбекистон диёрига қадам қўяр эканман, Туркияда менга юклатилган масъулият яна бир карра ортди. Асл томиримиз, динимиз, дилимиз, тилимиз бир бўлган ўзбек халқининг янада юксакларга кўтарилиши йўлида қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш насиб этганидан ғоят мамнунмиз!

А. РАҲИМОВ.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 800 кишига мўлжалланган янги маданий маркази ишга тушди. Марказни «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорациясига қарашли 4-махсус трест 364-механизациялашган кўчма колоннасининг бинокорлари қуриб беришди. Шу билан университетдаги қурилиш ишлари бутунлай тугалланди. Бу ерда маъмурий ва ўқув биноси, бозор иқтисодиётига оид чет тилларда чиқарилган ноёб адабиётларнинг миллион нусхаси сақланадиган кутубхона биноси қад кўтарди.

Маданий марказ очилиши муносабати билан митинг бўлиб ўтди. Митингда олий ўқув юртининг ўқитувчи ва талабалари, бир неча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, қурувчилар иштирок этдилар. Митингни университет ректори С. Ғуломов очди. Қурувчилар марказнинг рамзий калитини топширдилар. Республика бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, ёзувчи Н. Қобул, 4-махсус трест бошқарувчиси А. Мустафоев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Республикага иқтисодиёт бўйича мутахассислар етказиб берадиган марказга айланиб қолган бу олий ўқув юртининг имкониятлари катта эканлиги қайд этилди! Ҳозир университетнинг бешта факультетида икки ярим мингдан кўпроқ талаба таҳсил олмоқда. Бу ерда яхши ўқиш ва ҳордиқ чиқариш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, ижодий қобилиятни ривожлантириш учун барча шароит муҳайё. «Иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш» факультетининг тўрт қаватли янги ўқув биноси, ёш ўқитувчилар учун оилавий ётоқхона, Бўстонлиқ туманидаги соғломлаштириш мажмуи, битиш арафасида турган талабалар профилакторийси бу фикрнинг исботидир.

Бундай шароитнинг яратилиши ўқув жараёнини такомиллаштириш, талабалар билимига қўйиладиган талабларни жаҳон талаблари даражасига кўтариш имконини беради. Шу мақсадда университетда хорижий тиллар ва иқтисодиётни мукаммал ўргатишни, компьютер техникаси билан ишлашни кўзда тутадиган янги ўқув режалари ишлаб чиқилиб, жорий этилган. Университетда 200 дан ошиқ хусусий электрон-ҳисоблаш машинаси бор.

Университет хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласини ҳам муваффақиятли ҳал қилмоқда. 20 нафар ўқитувчи Туркияда тажриба ўрганиб келди, 50 дан ошиқ киши АҚШда жаҳон банки дастури бўйича таълим олиб қайтди.

Тошкент иқтисодиёт университети Вашингтондаги жаҳон банки иқтисодий тараққиёт институти билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бу ҳамкорлик доирасида марказий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари олий таълим мутахассисларини қайта тайёрлаш бўйича 10 дан ортиқ дастур амалга оширилмоқда. Буюк Британиянинг Нотингем университети билан ҳамкорликда эса бухгалтерия ҳисоби бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш йўлга қўйилган. Университет, шунингдек, АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Япония, Малайзия ва бошқа мамлакатлар университетлари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Яқин орада бу олий ўқув юрти жаҳон банки билан кенг миқёсдаги дастурни амалга ошира бошлайди ва Марказий Осиё олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда давлат хизматчиларини қайта тайёрлайдиган минтақавий марказга айланади.

Митингда Ўзбекистон республикаси президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, республика бош вазирининг ўринбосарлари Қ. Тўлаганов ва Т. Мирёқубов иштирок этдилар.

(ЎзА мухбири).

Олий таълим янгиликлари

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин:

Лотинча Ҳарфлар: Босма	Ёзма	Талафф.	Кириллча Ҳарфлар	Лотинча Ҳарфлар: Босма	Ёзма	Талафф.	Кириллча Ҳарфлар
A a	𝒜 𝒶	a	А а	R r	ℛ 𝓇	re	Р р
B b	ℬ 𝒷	be	Б б	S s	𝒮 𝓈	es	С с
C c	𝒞 𝒸	ce	Ц ц	T t	𝒯 𝓉	te	Т т
D d	𝒟 𝒹	de	Д д	U u	𝒰 𝓊	u	У у
E e	ℰ ℯ	e	Э э	V v	𝒱 𝓋	ve	В в
F f	ℱ 𝒻	ef	Ф ф	X x	𝒳 𝓍	xa	Х х
G g	𝒢 𝓖	ge	Г г	Y y	𝒴 𝓎	ye	Й й
H h	ℋ 𝒽	he	Ҳ ҳ	Z z	𝒵 𝓏	ze	З з
I i	ℐ 𝒾	i	И и				
J j	𝒥 𝒿	je (Jōra)	Ж ж (Жўра)	Ç ç	𝒞 𝒸	çe	Ч ч
K k	𝒦 𝓀	ka	К к	Ḡ ḡ	𝒢 𝓖	ǧa	Ғ ғ
L l	ℒ ℓ	el	Л л	J̇ j̇	𝒥 𝒿	j̇e (aj̇dod)	Ҷ ҷ (аҷдод)
M m	ℳ 𝓂	em	М м	Ñ ñ	𝒩 𝓃	ñe	Нг нг
N n	𝒩 𝓃	en	Н н	Ō ō	𝒪 𝓸	ō (ōrdak)	Ў ў (Ўрдак)
O o	𝒪 𝓸	o (ota)	О о (ота)	Ş ş	𝒮 𝓈	şe	Ш ш
P p	𝒫 𝓅	pe	П п	(') - тутуқ белгиси			(апостроф)
Q q	𝒬 𝓆	qa	Қ қ				

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий нафтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

САҲОВАТ

МАКТАБГА ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Конимех туманидаги Юбилей Қизтуғанов раҳбарлик қилаётган «Чордара» давлат хўжалиги 12-ўрта мактабни оталиққа олган. Хўжаликда хайрия жамғармаси ташкил этилган.

Янги ўқув йили арафасида жамғармадан 5 ўқувчига моддий ёрдам кўрсатилди. 20 ўқувчига йил давомида 1000—2000 сўм миқдорида стипендия беришга қарор қилиниб, хўжалик ҳисобидан нақд 2 минг сўм пул ажратилди. Бундан ташқари мактабга ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш учун 250 та парранда берилди.

Ўқувчиларнинг хўжалик ҳисобидан бепул овқатланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижара-давлат хўжалигининг бундай ғамхўрлигидан Ломоносов номли 12-ўрта мактаб жамоаси ва ўқувчилар мамнун.

М. АДИЗОВА.

Навоий вилояти.

НАМАНГАНДА ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Таълим ислоҳоти жараёни билан бевосита жойларнинг ўзида танишиш ютуқларни мустаҳкамлаш, муаммоларни тезроқ бартараф этишга самарали таъсир кўрсатиш аниқ. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Ҳайъат йиғилишини вилоятларда ўтказиш тажрибаси ана шундай хулоса чиқариш учун тўлиқ асос беради.

Вазирликнинг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Йиғилишдан бир кун олдин барча вилоятлардан ташриф буюрган вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари, мутахассислар бир қанча гуруҳларга бўлиниб туманлардаги халқ таълими муассасалари — янги хилдаги мактаблар, боғчалар, ҳунар-техника билим юртларида бўлишди, таълим-тарбия борасидаги илғор иш тажрибалари билан яқиндан танишишди. Эртаси куни эса туман ҳокимлари муовинлари, халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, педагоглар иштирок этган кўчма ҳайъат йиғилиши вилоят ҳокимиятининг мажлислар залида бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қисқача кириш сўзи билан очди.

Наманган вилояти ҳокими, Ўзбекистон халқ нонби Бургутали Рапиғалиев вилоятда халқ таълимини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, истиқболдаги режалар хусусида маъруза қилди.

Наманган вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Нозимжон Қозоқов ўз сўзида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар, янги ўқув йилидаги таълим муассасалари фаолияти, таълим мазмунини маҳаллий материаллар билан бойитиш муаммоларига тўхталди.

Музокараларда Наманган вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Г. Қамбарова, наманганлик ижодкор ўқитувчи К. Тўлабоев, Самарқанд халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Нормуродов, вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда вазир Жўра Йўлдошев якунловчи нутқ сўзлади.

Ҳайъат йиғилишининг бевосита кун тартибидаги биринчи масала — «1993 — 1994 янги ўқув йилининг бошланиши, халқ таълими ходимларининг август кенгашлари натижалари ҳамда Мустақиллик, Тинчлик, Билимлар кунини ўтказиш якунлари тўғрисида» Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Санджонов ахборотни тингланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ таълими тармоқлари ходимлари, талабалар, ўқувчи ёшларни ижтимоий-маиший ва моддий шароитини яхшилаш тўғрисидаги фармонларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов сўзга чиқди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

(Ҳайъат кенгаши ва Наманган тажрибасига оид мақолаларни газетамизнинг ички саҳифаларида ўқийсиз).

ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Ушбу ўқув йили учун ўтказилган талабалар танловида Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Раъно Содиқова раҳбарлик қилган 11-«Г» синфидан 19 нафар ўқувчи тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишни олий ўқув юртларида давом эттириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Улардан У. Жабборов, Ю. Саломовалар энг юқори балл тўплаб, Қарши давлат дорилфунуни ҳамда Қарши аграр-иқтисодиёт институтидагиларни ҳайратга солди.

Аслида тест усули мактаб ўқитувчиларига ҳам катта масъулият юклайди. Биз ота-оналар ўғил-қизларимизнинг тўплаган баллари мактаб ўқитувчисига қўйилган баҳодир, деб ҳисоблаймиз. Шуларни инобатга олиб, мактаб жамоаси, ота-оналар билан биргаликда муаллима Р. Содиқованинг меҳнатларига энг юқори балл қўйди.

Р. НОРМУМИНОВА.

Қашқадарё вилояти.

Газета ва муштарий

ИШОНЧ

Педагогик матбуот — халқ таълимининг кўзгуси. Шу боисдан минг-минг муаллимлар, тарбиячилар, профессор-ўқитувчилар, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларининг зиёлилари, ота-оналар ўзларининг севимли нашрлари «Маърифат» газетасининг ҳар бир сонини орзиқиб кутишади, унинг саҳифаларида ёритилаётган оддий хабардан тортиб муаммоли мақолаларгача синчковлик ва талабчанлик билан ўқишади. Бундан асосий мақсад халқ таълимидаги туб ўзгаришларни, илғор тажрибаларни билишгина эмас, айни пайтда ўз фаолиятларида йўлланма ва манба бўладиган материалларни ҳам аниқлаш, улардан ижодий фойдаланишдир. Ана шундай пайтда талабчан газетхонда янги-янги мавзулар бўйича таклиф ва истаклар, газета мундарижасига оид фикр ва мулоҳазалар туғилади. Бу қалб нидоларини мактубларда изҳор қилишдан ташқари имкони борича «Маърифат» таҳририяти жамоаси вакиллари билан очиқ мулоқотларда фикрлашиб олишни исташади. Газетхондаги ана шундай эҳтиёж педагогик журналистларни вақти-вақти билан юзма-юз учрашувларга чорлайдики, бундай баҳс-мунозаралардан «Маърифат» таҳририяти ҳам, минг-минглаб муштарийлар ҳам манфаатдор бўлади.

Ўтган ҳафтанинг чоршанба куни Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган «Маърифат» таҳририятининг бир гуруҳ ижодкорлари билан учрашув ҳам «дардлашиб» олиш имконини берди. Институт мажлислар залига йиғилган курсларнинг тингловчилари — муаллимлар, мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари, билим масканларидаги услубий бирлашмалар раҳбарлари, шу институтнинг профессор-ўқитувчилари педагогик журналистлар — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким, бўлим мудирлари Ғаффор Маннопов, Маҳкам Раҳмонов, катта мухбир Абдусамат Раҳимовларни қизғин кутиб олдилар.

Учрашувни институт ректори Дилбар Маликова қисқача кириш сўзи билан очди. Нотиқ мамлакатимиз олдида турган халқ таълимини равнақ топтиришдек узлуксиз устивор йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда «Маърифат» газетаси ҳам ўзига хос тарғиботчилик ва ташвиқотчилик ишлари олиб бораётганлиги, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги туб сифат ўзгаришларни, илғор иш усуллари ва тажрибаларни кенг ёритаётгани, таълим жараёни учун зарур материалларни чоп этаётганлигини алоҳида қайд этди. Газетанинг мазмун мундарижаси тобора бойиб, материалларининг таъсирчанлиги ортаётганлигида сиз ва биз муштарийларнинг ҳиссамиз бўлиши зарур. Шу мақсадда таҳририят ходимларини даврамизга таклиф қилдик, деди нотиқ.

Сўнг институт ректори учрашувда қатнашаётган меҳмонларни таништириб, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳакимга сўз берди.

— Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти халқ таълимини равнақ топтиришга мамлакат келажаги буюклигини таъминлашнинг муҳим замини сифатида қарамоқда. Президентимизнинг бу соҳадаги Фармонлари, куни-кеча эса Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари кунининг таъсис этилиши бунинг далилларидир, — деди бош муҳаррир

Газета таълим жараёнидаги ижодкорликка ёрдам берадиган, ўқитувчи ва тарбиячилар учун фаолиятда ўзига хос қўлланма бўладиган материалларни, миллий педагогикага оид бой тарихий-маърифий манбаларни ёритишга кенг ўрин бермоқда.

Нотиқ таҳририятнинг янги иш режалари хусусида батафсил сўзлаб, бу режаларни оммага етказишда муштарийлар ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истаклари, бош мухбир сифатидаги хат-хабарлари билан ёрдам беришларига ишонч билдирди.

«Маърифат» ва унинг педагогик оммага таъсири, газетанинг мазмун мундарижаси, энг долзарб мавзуларидаги материаллари, янги рукнлари хусусида учрашувда сўзга чиққанлар алоҳида мамуният билан гапирдилар.

(Давоми 3-бетда).

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ДАСТАСИ КЎРИК-ТАНЛОВИ

Марҳамат тумани халқ таълими бўлими мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилардан болалар фольклор дасталари кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Ана шунга асосан тумандаги 17 та боғча ўртасида ўтказилган танловда Дилшод номли 1-боғча кичкинтойлари биринчи ўринни олишди. Сўнгра бу боғча Шаҳрихон шаҳрида ўтказилган вилоят зонал мусобақасида ҳам биринчи ўринни эгаллаб, вилоят болалар фольклор дастаси кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини олган эди. Яқинда ана шу кўрик-танловда иштирок этиб фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

А. ЭРАЛИЕВ.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ: НАМАНГАН

ЭЗГУ ВА ШАРАФЛИ ИШ

Бургутали РАПИҒАЛИЕВ,

Наманган вилояти ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати

Жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги туфайли бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда, жамиятимизда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли, юртимиз осойишталиги кишиларимизда яратувчилик ва бунёдкорлик фаолиятига иштиёқ уйғотаётир. Республикамиз раҳбариятининг оқилона ички ва ташқи сиёсати эл руҳи тетиклигининг, келажак сари дадил интилиши қатъийлигининг бош омили бўлаётир. Бу мамлакат тараққиёти устивор йўналишларини дадил амалга ошириш учун асосий заминдир.

Ислоҳотлар стратегиясининг устивор йўналишларини амалга оширишда қадимий маданият ва кўҳна тарихга эга бўлган Наманган вилояти меҳнат аҳлининг ҳам ўзига хос ўрни ва муносиб ҳиссаси бор. Бутун республикамизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари ривож топиши учун кенг шарт-шароитлар яратилаётир. Ҳозирги пайтда вилоятимиздаги 2155 та корхона ва шохобча давлат тасарруфидан чиқарилганлиги, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда 30 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилганлиги ва бошқа шу сингарилар фикримизнинг далилидир.

Вилоятимиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик билан бирга чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик, ғаллакорлик ҳам тез ривожланаётир. Саноатчиларимиз маҳаллий хом ашёни тўлиқроқ қайта ишлашга эришиш билан бирга халқ истеъмол моллари тайёрлашни кўпайтиришга эътиборни кучайтиришаяпти. Ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш мақсадида «Мингбулоқнефть» корхонаси ташкил этилди.

Умуман, иқтисодиётнинг устивор йўналишларидаги кенг кўламли вазифалар вилоятимизда кўпгина тармоқларни, соҳаларни, шу жумладан, узлуксиз устивор йўналиш ҳисобланган халқ таълимини ҳам изчил ривожлантириш имкониятларини вужудга келтирмоқда.

Халқ таълими, маданият ва маърифатга эътибор берган ҳар бир давлат равнақининг уфқи кенг бўлади. Буни Ватанимиз кўҳна тарихи тимсолида ҳам, бугунги кунда жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шу важдан ҳам мустақил Ўзбекистон раҳбарияти келажагимиз мактабда деб қараб, бу тармоққа ҳам катта эътибор бераётир. Республикамиз Президентининг бу соҳа бўйича қатор фармонлари, Олий Кенгашимиз қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистоннинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталганлиги, «Халқ таълими ходимлари куни»нинг белгиланиши ана шу эътиборнинг ҳаётий далилларидир.

Вилоятимиз ҳокимияти ҳам ёш авлодни соғлом, теран камол топиши, билимли ва маданиятли, чинакам ватанпарвар фуқаролар бўлиб етишиши учун кенг имкониятлар яратишга эътиборни қаратиб келаётир. Таълим муассасалари ўқув-техника базасини мустаҳкамлаш, янги мактаблар, қўшимча синф хоналари, замонавий боғча-яслилар қуриш, бу масканларда ишхоналар, спорт заллари, ўқув-техника қуроллари билан таъминланган фан кабинетлари, устахоналар вужудга келтириш асосий диққат эътиборимиздадир.

Шу йилнинг ўзидаёқ таълим-тарбия муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлашга 158 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, бу ишда қўшимча равишда мактаб жамғармалари, оталиқ ташкилотлари маблағларидан фойдаланилди. Янги ўқув йилида Поп туманида 4 та, Чуст туманида 7 та, Янгиқўрғон туманида 3 та янги мактаб ва қўшимча синф хоналари қурилиб ишга туширилди. Умуман, шаҳар ва туманларимизда 8200 ўқув ўрнига эга бўлган бинолар барпо этилди. Бундай янги билим ва тарбия масканларини вужудга келтиришда давлат ва жамоа хўжаликларининг ҳиссалари катта бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Биз вилоятимиз туманлари шарт-шароитларини ҳисобга олиб мактабларни кичиклаштириш йўлларини қидирмоқдамиз. Келгусида ҳам 220—250 ўринли мактаблар қуриш ёки боғча-мактаб комплексларини жорий этиш режалаштирилаётир. Бу айни пайтда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни рўёбга чиқаришда ҳам маълум имкониятларни беради, деб ўйлаймиз.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш туфайли таълим тизимида ҳам туб янгиланишлар рўй бераётганлиги бугунги кунда сир эмас. Вилоятимизда бир қатор лицей ва гимназиялар, касб-таълим марказлари, иқтидорлилар синфлари вужудга келганлиги, таълим жараёнида компьютер техникасидан кенг фойдаланилаётганлиги, тест синовларининг жорий этилаётганлиги, ўқувлар хилма-хил дастурлар асосида олиб борилаётганлигини чин маънода янгилик куртаклари деб айтиш мумкин. Бундай янгиланишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш шаҳар ва туман ҳокимиятларининг ҳам доимий эътибори бўлиб келяпти. Мана бир мисол. Косонсой туман ҳокимининг қарори билан Машраб номли 30-тўлиқсиз ўрта мактаб гимназияга айлантирилди. Бу йил кўрик-танлов асосида бу ўқув масканига 250 нафар ўқувчи қабул қилинди. Гимназияда араб, форс, инглиз, ўзбек ва рус тиллари чуқур ўргатилади. Ўқувчилар ва ўқитувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратишга туман ҳокимияти раҳнамолик қилмоқда.

Наманган шаҳрининг Орифбой гузаридаги лицей иккинчи мисол бўла олади. Билим масканининг доврўғи эндиликда вилоятимиздагина эмас, республикамизда ҳам таралмоқда. Бу лицейга шаҳардаги машинасозлик, кимё, «Электротерм» заводлари, «Мададкор» корпорацияси, «Сафо» қўшма корхонаси ҳомийлик қиляпти. Уч йил ичида лицейни 191 ўқувчи битириб чиқди. Улардан ҳозир 172 нафари олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Лицей ўқувчилари вилоят, республика олимпиадаларидагина эмас, балки МДҲ мамлакатлари ўқувчиларининг фан олимпиадаларида ҳам юқори ўринларни эгаллашаяпти. Ҳозир Намангандаги бу лицей республика Халқ таълими вазирлигининг ўзига хос тажриба майдонига айланган. Бундай ибратли билим ва тарбия масканлари вилоятимизда кўп.

Таълимдаги туб сифат ўзгаришларнинг ижодкори эса ўқитувчи ва тарбиячилардир. Бугунги кунда вилоятимиздаги таълим-тарбия муассасаларида 40 мингдан ортиқ муаллим ва тарбиячи 365 мингдан зиёд ўғил-қизга сабоқ бераётир. Ёш авлод камолининг муҳандислари бўлган бу устозларга ғамхўрлик қилиш ҳокимиятимизнинг муҳим ишларидан бирига айланган десам янглишмайман. Улар Президентимиз Фармонларида қайд этилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Айни пайтда шаҳар ва туман ҳокимиятлари ташаббуси билан илғор ўқитувчилар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаяпти. Шу йилнинг Август кенгашларида эса вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан 264 киши мукофотланди. Уларга Фахрий ёрлиқлардан ташқари 11515500 сўмлик қимматбаҳо совғалар, 7668200 сўм пул мукофотлари берилди.

Давлат ва ташкилотлар қарамоғидаги уйларда турувчи халқ таълими ходимларининг турар-жойларини хусусийлаштириб бериш, уларга ер-участкаларқ ажратиш ҳокимиятлар доимий диққат-эътиборида. Кейинги уч йил ичида 3702 педагог уй-жойини хусусийлаштириб олди, 6579 педагогик ходимга ер ажратиб берилди, 1007 педагог янги уй-жой олди. Муаллим ва тарбиячиларнинг газ ва электр энергиясидан фойдаланишдаги имтиёзларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар ado этилаётир. Бир сўз билан айтганда, бу соҳадаги Президентимиз Фармонлари изчил амалга оширилиб борилмоқда. Ишончимиз комилки, кўпмингкишилик вилоятимиз ўқитувчи ва тарбиячилари бундай эътиборга жавобан таълим-тарбия сифатини замон талаблари даражасига кўтаришга, ёш авлод юрагида элюртга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини қарор топтиришга бор билим ва маҳоратларини сафарбар қиладилар.

Бугун мустақил Ўзбекистонимиз жаҳонда танилаётган бир пайтда равнақ топиб, гуллаб-яшнашига, халқаро обрў-эътиборининг ошишига муносиб ҳисса қўшувчи, буюк келажагини таъминловчи ватанпарвар фуқаролари — ёш авлодни тарбиялаш, улар ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак. Мустақиллик барқарорлигининг олдимизга қўйган энг муҳим устивор вазифаларидан бири ҳам ана шу. Бунинг учун биз бутун куч-ғайратимизни бахш этаверамиз.

МАКТАБ ТАҚДИРИ ЎҚИТУВЧИ ҚЎЛИДА

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,

Ўзбекистон халқ таълими вазири

Ҳаётнинг азалий қонунларидан бири шуки, яхши тажрибадан ҳам, ёмон тажрибадан ҳам ўрганиш керак. Наманган тажрибаси моҳияти нимадан иборат?

Тажриба маълум бир ҳаётий кўникмаларнинг қарор топиши, деб қараладиган бўлса, Наманган тажрибаси — бу, биринчидан, саранжом-саришталик, озодаликдир. Кеча болалар ва ўсмирлар ижодий марказида, «Мерос» маданий-маърифий маркази, турк лицейи, ҳунар-техника билим юртида бунга ўз кўзимиз билан кўрдик. Туманларда бўлган халқ таълими вакиллари «мактаблардаги озодалик кўнглимизга шу қадар мазур бўлдики, ичкарига пойафзалимизни артиб кирдик», дейишди.

Биз саранжом-саришталик деганда ички озодаликни, муомала одобини ҳам назарда тутаётганимизни алоҳида таъкидлашни истардик.

Иккинчидан, Наманганда ташаббускор ўқитувчилар кўп. Битим тузишда рейтинг (билл) тизимининг ўзига хос мезонлари тузилганлиги бунга далил бўла олади.

Учинчидан, ҳокимиятнинг халқ таълимига раҳбарлиги кундалик ҳаётдаги муайян ишларда намоён бўлмоқда.

Ҳар уч омил ҳақида ҳайъат гуруҳи аъзолари туманларда бўлганларида тўлиқ тасаввурга эга бўлишди. Наманган тажрибаси жойлардаги ташаббускорлик, ишга ижодий муносабат барча вилоятларда ҳам таълим-тарбияга онд ўзига хос ижобий жиҳатларни рўёбга чиқараётганлигини кўрсатади.

Умуман, тажриба-синов майдонлари қанча кўп бўлса, шунча соз. Доимий изланиш, мунтазам мушоҳада, изчил таҳлил керак.

Президентимиз таълимга узлуксиз устивор йўналишлар сифатида эътибор бериш керак, дея таъкидламоқда. Бу зиммамизга катта масъулият юклайди. Шундай даврда яшаяпмизки, таълим мазмунини янгилаш чекимизга тушаётир. Бунда асосий йўналишдан чалғитмаган ҳолда янгича ёндашувларга эътибор қаратиш, маҳаллий материаллардан ҳам унумли фойдаланмоқ зарур.

Кеча «Мерос» илмий-маданий марказини бориб кўрдик. Ажойиб маскан бўлибди. Тарихимизда ўтган 42 намаганлик алломаларнинг ҳаёти ва ижод намуналари билан танишдик. Булар турли соҳаларда доврўғ таратган улуғ инсонлар экан. Наманганлик ўқувчилар бу қутлуғ масканга келиб-кетиб туришади, албатта. Лекин биз бу алломалар мактаб дарс соатларига киритилишини истаймиз. Бунинг учун мактабларга имконият берилган. Фарзандларимиз тарихимизда ўтган шонли боболарини қанчалик кўп билсалар, шунчалик маънавий юксак поғонага кўтарилишлари, шубҳасиз.

Жойлардаги ташаббускорлик масалага мана шундай тартибда ёндашувни тақозо этмайдими? Тилимизга давлат мақоми берилди. Хўш, ўзбек тили, ўзбек адабиётини пухта ўрганадиган, рус мактабларида ўзбек тилини чуқур ўрганадиган синфлар кўпайдими? Бунинг учун ҳам, албатта, юқоридан буйруқ бўлиши керакми?

Эътибор беринг, дастур бир хил, дарслик бир хил. Жойлардаги шароит, ўқитувчилар савияси эса ҳар хил. Демак, бир хилликдан воз кечиш керак. Болалар иқтидорини ҳисобга олишимиз лозим.

Мактабларга ўн тўрт хил ўқув режаси киборилди. Бу ишга ижодий муносабат учун имконият берилаётир, дегани эмасми?

Шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ижодкор ўқитувчиларимиз тез-тез кўзга ташланаётгани қувонарли ҳол, албатта. Лекин ижодкорлик кўрсатиш шунчаки иш эмас. Ижодкор ўқитувчиларни юзага чиқариш учун ижодий муҳит яратиш ва бунга иштиёқманд ўқитувчиларни кўпайтириш муҳим. Яхшиларни қадрлаш, ишнинг уддасидан чиқмаётганлардан воз кечиш зарур. Демак, ўқитувчини саралаш мезони ишлаб чиқилиши бу мезон ўқитувчи билими, касб-корлик маҳорати ва янги педагогик технологияга муносабатни синовдан ўтказиши лозим.

Буни бежиз айтмаяпман. Ўқитувчининг болага муносабати қандай? Баҳога қараб. Яхши ўқиса, ҳурмат қиламиз, бўш ўқиса, ёмон кўз билан қараймиз. Бола шаҳси билан қизиқмаймиз. Ҳолбуки, болага нисбатан шундай муносабатни қарор топтириш керакки, бола мактабни соғинсин, уйга келиб соғинсин, синфда ўтириб соғинсин.

Ёки бошқа бир мисол. Ўзимизга савол бериб кўрганмизми: ота-оналар нега мактабга келишдан чўчишади? Чунки биринчи учрашувдаёқ «болангиз ундай, болангиз бундай», дея изза қилишдан ўзимизни тия олмаймиз. Ота-онани бездириб қўямиз.

Ўқитувчи ҳақида гап кетар экан, болалар фаоллиги, ўқувчиларда эркин фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиш бугуннинг энг муҳим вазифаси эканлигини унутмаслик лозим. Бугун ҳам аксарият дарсларимизда ўқитувчи — режиссёр, ўқитувчи —актёр, ўқувчи эса эшитувчи, томошабин. Оқибатда болаларимизнинг сўз бойлиги камайиб кетяпти. Мустақил мутолаа суст, китобхонлик суст.

Гап яна айланиб келиб яна ўқитувчи билими, маҳорати, болажонлигига келиб тақалаяпти. Бугун мустақил Ўзбекистон мактаби тақдири ўқитувчига, ўқитувчининг билими, касб-корлик маҳоратини ошириш, маънавиятини бойитишга бўлган иштиёқига, фидойилигига боғлиқ. Бу биз учун Наманган йиғини яна бир бора ўртага ташлаган ҳулоса, амалий фаолиятимиз учун ўзига хос дастур бўлиб қолиши керак.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

СУРАТДА: Химиядан машғулот.

Билим юртимиз 1979 йилда ташкил топган. Ҳозиргача унда турли мутахассислар бўйича 4000 нафардан ортиқ йигит ва қизлар таҳсил олишиб, халк хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Тумандаги 14, 22-ҳунар-техника билим юртлари қатори, бизнинг билим юртимиз ҳам 1990 йилгача асосан қишлоқ хўжалиги учун ишчи кадрлар тайёрлаб берарди. Туман ва шаҳар ҳокимиятлари Косонсойдаги мавжуд енгил ва маҳаллий саноат корхоналаридаги кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, шойи тўқиш, уй меҳнати ва пойафзал фабрикаларига ишчилар тайёрлаш вазифасини ҳам билим юртимиз зиммасига юклади. Улар ёрдами билан 1995 йилгача мингдан зиёд ишчи кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйдик.

Қисқа даврда билим юрти тўла енгил ва маҳаллий саноат касбларини ўргатишга мослаштирилди. Шу даврда 15 та фанларнинг махсус ўқув хоналари, 4 та тикувчилик устахонаси, қўлда атлас тўқиш цехи ва Косонсой шойи тўқиш фабрикаси билан ҳамкорликда тикувчилик билан шуғулланувчи «Хумо» кичик ширкати ташкил этилди.

Тикув цехларига 54 та турли хил тикув дастгоҳлари ўрнатилди. «Хумо» ширкатига ҳомийлик қилишни Косонсой шойи тўқиш фабрикаси (директори Ўзбекистон халқ ноиби А. Акрамов) ўз зиммасига олди. Фабрика ҳисобидан 1992 йил давомида 33 дона момиқ мато тўқийдиган дастгоҳлар, 2 дона эшиш, 2 та ўроб дастгоҳлари, 1 та арқоқ ўроб машинаси олиб келиниб ўрнатилди.

Шунингдек, ширкатнинг устави ҳомийлар томонидан тасдиқланиб, у Косонсой шаҳар ҳокимиятининг қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Бу ишлардан ташқари билим юртида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, уни ўқувчиларга ўргатиш мақсадида 25 та қўлда атлас тўқишга мўлжалланган дастгоҳлар билан жиҳозланган цех ташкил этилди. Ўтган йилнинг охирларидан бу цех ҳам дастлабки маҳсулотларини бера бошлади.

Бу йил мазкур цехимизда ўқувчиларимиз ёрдамида 2582 метр атлас ишлаб чиқариб, салкам бир ярим миллион даромад олдик. Йил охиригача яна 1500 метр маҳсулот ишлаб чиқариб, умумий даромадни икки ярим миллион сўмдан оширишни режалаштиряпмиз. Бундан ташқари тикувчилик цехларимизда ўқувчиларимиз ишлаб чиқариш таълими дарслари учун зарур маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Шу кунгача ўқувчиларимиз томонидан 2 350000 сўмлик маҳсулот чиқарилиб, вилоят ўқув коллекторига топширилди.

Шунингдек, билим юрти базасида ўқувчиларнинг хўжалик ҳисобидаги корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ундан кўзланган мақсад бозор иқтисодиёти шароитида билим юрти техникаларидан, ўқув устахоналаридан тўла ва унумли фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ўқувчилар ва инженер педагогик ходимлар ҳамда ишчиларимизни иқтисодий ҳимоялаш.

Айни кунда бу корхонада транспорт хизмати, тикувчилик, тўқувчилик, таъмирлаш ва пардозлаш, компьютерларда дастурлар ва методик қўлланмалар тузиш бўйича ташкил этилган бригадалар мавжуд. Уларда 33 нафар ўқувчи, 22 нафар ўқитувчи, ишлаб чиқариш усталари ва ходимларимиз дарс ва ишдан ташқари пайтларда меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда билим юртимизда пойафзал ишлаб чиқариш цехини ишга туширишдастлабки маҳсулотни топширдик. Гилам тўқиш ва теримўйнадан маҳсулот ишлаб чиқариш цехимиз ишга туширилиш арафасида турипти.

Жорий йилда ёрдамчи хўжалигимизда пахта етиштирмоқдамиз. Мақсадимиз 20 тонна пахта топшириб, даромадимизни 3 миллион сўмга етказишдир. Янгича шароитда билим юртимиз маъмурияти ва меҳнат жамоаси давр билан ҳамнафас ҳолда, ўқувчиларга пухта касб-ҳунар ўргатиш борасида яна бир қанча ишларни амалга оширишни режалаштирган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида билим юрти ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш борасида янада иштиқболли чора-тадбирларни белгилашмоқдалар. Ишлаб чиқаришдан олинган фойда билим юртининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, қўшимча иш ҳақлари жорий этиш мақсадларига сарфланади.

Икромжон АНГУРОВ,

Косонсой туманидаги 27-ҳунар-техника билим юрти директори.

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

Нозимжон ҚОЗОҚОВ,

Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи

Наманганлик халқ таълими ходимлари ҳозирги кунда бир ярим мингдан зиёд таълим-тарбия масканларида халқимизнинг фарзандларига билим, ҳунар ўргатмоқдалар, тарбия бермоқдалар. Фаолиятимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Вилоятимизда 908 та болалар яслиси ва боғчалари, 119 та хонадон боғчалари ишлаяпти, шулардан 314 таси маҳаллий бюджет ҳисобида туради. Уларда жами 115 минг бола тарбияланаяпти. Бу — боғча ёшидаги болаларнинг 40 фоизи демакдир.

Боғчалар тармоғи кенгайиб бормоқда, кейинги 3 йилда 7,5 минг бола учун 48 та янги боғча очилди, бу йил охиригача яна 5 та боғча очиш режалаштирилган.

Қонунда мактабгача таълимнинг вазифаси — бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини, маданий-ахлоқий эҳтиёжларининг дастлабки кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишни ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир, дейилган. Ўтган йили вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ясли-боғчаларнинг янги дастурини олиб, ўша асосида ноябрь ойидан бошлаб 40 та боғчада тажриба-синов ўтказдик. Мамнуният билан айтиш керакки, синовимиз бу дастурнинг ҳаётийлигини кўрсатди. Дастур асосида иш олиб борган боғчаларда тарбияда миллийликка эришилди, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулиятлари ортди. Энди болалар тарбиясида ўтмишдаги буюк аллоларимиз асарларидан ҳамда халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланилмоқда, Ўзбекистон халқларининг тарихи ўрганилмоқда.

Дастурда иқтидорли болаларни танлаш ва улар билан алоҳида иш олиб бориш, касбга йўллаш бош йўналиш бўлгани учун ҳам бунга жиддий аҳамият бериляпти. Норин туманидаги 10-боғчада қишлоқ хўжалиги касбларига йўналтириш, Косонсой шаҳридаги 10-боғчада эса миллий ҳунармандчиликни ўргатиш йўлга қўйилган. Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.

Ҳозир вилоятда 15 та боғчада инглиз, француз, араб, форс тиллари ўргатилаётир, 39 та боғчада эски ўзбек ёзувидан сабоқ берилмоқда. Лотин алифбосини ўргатиш мумкин бўлган боғчаларнинг рўйхатини оляпмиз, бу ишни ҳам эрта-индин бошлаб юборамиз.

Бухороликлар тажрибаси асосида Поп туманида ва Чортоқ туманида 3 та мактаб-боғча ва ҳунар-техника билим юртида боғча ташкил этдик. Шундай тажрибани бошқа туман ва шаҳарларда ҳам оммалаштириш ниятидамиз.

Мана, уч йилдирки, бошланғич синфларнинг асосан бир сменада, қулай шароитга эга бўлган синф хоналарида ўқишни ташкил этдик. Бир синфдаги болалар сонини 30 нафардан 20—25 нафаргача камайтирдик. Совет, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Косонсой туманларида ва Наманган шаҳрида бир қатор мактабларнинг бошланғич синфларида мактаб компонентидаги соатлар ҳисобидан чет тиллари ўргатилмоқда. Косонсой, Наманган, Учқўрғон, Чуст шаҳарларида, Уйчи, Чуст, Совет туманларидаги мактабларда бошланғич синф ўқувчилари фан ўқитувчиларига синов асосида топширилмоқдалар. Наманган шаҳридаги 13 мактаб ўқувчиларни тестга ўргатиш мақсадида бошланғич синфларда кўчириш имтиҳонлари ўрнига тестлар ўтказилди, бу эксперимент болаларда катта қизиқиш уйғотди, бу ишни кенгайтириб, давом эттирмоқчимиз.

Дарс жараёнидаги самарали ишлар бошланғич синф ўқувчиларининг саводхонлигини оширишга имкон бермоқда. Ҳозир бошланғич синфларда айрим ўқувчилар бир йилда икки синф дастуридаги билимларни олиб, бирйўла битта синф юқорилаб ўқимоқда.

Юқори синфларда фанларни ўқитишда анъанавий усуллардан ташқари, ўқувчилар билан ижодий мулоқот, маъруза, семинар-биржа, конференция, мунозара, экскурсия, усулларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Ҳар бир бўлимни ўтиб бўлгандан сўнг, такрорлаш соатлари ҳисобидан ўқувчилар билимини тестлар ёрдамида бир соат синаб кўриш жорий қилиняпти. Мавжуд 30 УМК ҳунар марказларига айлантирилди. 96 та мактабда, 30 та марказда 60 дан ортиқ касб сирлари ўргатилмоқда. Қишлоқ хўжалигига кадр тайёрлаб келган 10-ҲТБЮ ҳозирги кунда енгил саноатга мослаштирилган, касбга ўргатадиган масканга айлантирилди.

Бошқа жойларда қандай, аниқ айтолмайману, лекин бизнинг вилоятимизда ҳокимият халқ таълими ривожига алоҳида эътибор билан қараяпти. Шу йил янги ўқув йилига 2,5 минг ўринли янги мактаблар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди, бу деярли тўрт баробар ошириб бажарилди. Кўпчилик «Ўқитувчи» романини ўқиган бўлса керак. Шу романдаги бош қаҳрамон Элмурод илм излаб тоғлар оша Қўқон ва Тошкент шаҳарларига пиёда борганини эслайлик. Ўша Элмурод, яъни шу романнинг муаллифи Парда Турсун туғилиб ўсган узоқ тоғ қишлоғи — Қурсонда ҳозиргача мактаб йўқ эди, шу қишлоқнинг болаларини, яъни Парда Турсуннинг авлодлари вилоят ҳокимининг топшириғи билан қурилган янги 200 ўринли мактабда ўқишни бошладилар.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бизга кўрсатилаётган ҳозирги ғамхўрлик яқин келажакда Ўзбекистонимизга, хусусан, Наманганимизга нур бўлиб ёғилади, омад бўлиб қайтади, юртимизни баракага тўлдиради. Ўзбекистоннинг кўркам бир гўшаси бўлган Наманган дунёга жуғрофик жой сифатидагина эмас, балки оламнинг энг машҳур олиму фозиллари, шоиру алломалари яшаётган, ижод этаётган макон сифатида ҳам танилади.

ТАЖРИБАСИ

Яхши дарс яхши тайёргарликдан бошланади. Ўқитувчи ўқувчиларга рўбарў бўлмасдан туриб, ҳар бир мавзу мазмунини, унинг энг муҳим томонларини яхши ўзлаштирган ҳолда дарсга ранг-баранг кўргазмали қуроллар, техника воситалари билан бормоғи лозим. Мен юқоридагиларга амал қилган ҳолда ҳар бир мавзуга пухта тайёрланиб, дарс ўтиб келмоқдаман. Фанларга доир қутичалар қилиб, уларда кўргазмали қуролларни сақлайман. Ҳозир дафтар муаммолигини ҳисобга олиб ҳар бир ўқувчимга биттадан ёзув тахтачаси берганман. Ўзбек тили ва математика дарсларида ўқувчилар ана шу ёзув тахталаридан фойдаланадилар.

Айниқса, ўтилган мавзуни сўрашда ёзув тахтачаларининг аҳамияти каттадир. Чунки бир ўқувчидан ўтилган мавзуни сўраб турганимда қолган ўқувчилар бекор турмасдан, ёзув тахтачаларида машқ қиладилар. Бунда мен рақамланган тарқатма материаллардан ҳам фойдаланаман (рақамланган мисолларнинг тўғри ечилганлигини тез аниқлаш мақсадида уларнинг жавоби битта қоғозга ёзилган). Ўқувчилар мисолларни ёзув тахтачасида ишлаб бўлгандан кейин, уни юқорига кўтарадилар, мен жавобини кўриб тўғри ёки нотўғрилигини бир пасда айтаман.

Янгича иш услуби

УЧИНЧИДАН БЕШИНЧИ СИНФГА

Ўтган ўқув йили 3-синфда тажриба ўтказиш мақсадида ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб, 3-синф дастур ҳажмига жавоб берадиган ўқувчиларни алоҳида, иқтидорли, аълочи ўқувчиларни алоҳида-алоҳида ажратиб олдим. Ундан кўзланган мақсад — иқтидорли ўқувчиларга бирйўла 3—4-синф дастурини ўргатиб, 5-синфга ўтказиш эди. Негаки, аълочи ўқувчиларга ҳадеб улар учун оддий туюлган мисолларни, улар биладиган нарсаларни ўргатиш зерикарли. Бу фикримни шаҳар халқ таълими бўлими ва вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти бошланғич таълими услубхонаси ҳамда ота-оналар маъқулладилар.

Кейинчалик, 3-синф ўқувчиларининг иқтидорлиларига дарсда, куни узайтирилган гуруҳда ва уйларига қўшимча топшириқлар бериш билан 4-синф дастурини ўргата бошладим. Ўқувчиларга агар мен берган топшириқларни ўз вақтида бажариб, 4-синф дастурини ўрганиб олса 5-синфга кўчирилишини уқтирдим. Болаларда қизиқиш кучайди. Улар берилган топшириқларни вақтида бажариб келадиган бўлишди.

Янги ўқув йилида ана шу ўқувчиларнинг 14 нафари 5-синфда ўқишмоқда. Мен фан ўқитувчилари билан тез-тез учрашиб, ўқувчиларнинг билими ва ўзлаштириши билан қизиқиб, вақти-вақти билан улар билан суҳбатлашиб турибман. Ҳозирча бу ўқувчилардан барча фан ўқитувчилари хурсанд, чунки улар яхши ва аъло баҳоларга ўқиб келмоқдалар.

Аҳаджон ШОЮСУПОВ,
Чуст шаҳридаги 2-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.

ИНТЕРНАТ-ГИМНАЗИЯ

Ваққосхон Мамадалиев мактаб ўқувчилари орасидан иқтидорли ёшларни танлаб олиб, уларни гимназия, лицейларда ўқитиш лозимлиги ҳақидаги аниқ таклиф билан туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармасига мурожаат қилди. Таклиф қўллаб-қувватланди.

Тез орада вилоят ва туман газеталарида эълон берилиб, гимназияга қабул қилиш бошланиб кетди. Ниҳоят, у раҳбарлик қилаётган яқиндагина қурилган 417 ўринли Бобораҳим Машраб номидаги мактаб вилоятда биринчи бўлиб интернат-гимназияга айлантирилди.

Кўрик-танлов асосида 250 нафар ўқувчи қабул қилинди. Машғулотлар ҳафтада 5 кун ўтказилмоқда. Шанба куни болалар учун ижодий кун ҳисобланади. Узоқдан келган болалар учун мактаб қошида барча қулайликларга эга интернат ташкил этилган.

Гимназияда араб, форс, инглиз, рус ва ўзбек тилларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда 10 хил тўгараклар ташкил этилган. Бу эса биргина илм олиш билан кифояланмасдан, касб-ҳунар ўрганишга ҳам имконият яратилганлигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, болаларнинг чуқур билим олишлари ва соғлом ўсишлари учун қулай имкониятлар мавжуд.

Танлов асосида тажрибали, билимдон ўқитувчилар ишга қабул қилинди. Гимназияда ўқув машғулотлари икки босқичда бўлади. Биринчи босқичда ўқувчига ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, сўзлашиш, ҳулқ ва нутқ маданияти чуқур сингдирилади. Иккинчи босқичда ўқувчилар ўз қобилиятларини намойиш этишади, ташкилотчилик сирларини ўрганишади. Танланган касбга пухта тайёрланади.

Гимназияда ана шундай истиқболли мақсадлар режалаштирилган. Бунинг учун имкониятлар етарли. Юқоридаги ташкилотлар билим масканига яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Туман ҳокими Тохирахон Маризаева бу ишларга бош-қош бўлмоқда.

М. СОҲИБОВ.

БАХТИЁР БОЛАЛАР МАСКАНИ

(РЕПОРТАЖ)

Наманган вилояти Чуст шаҳридаги 4—«Табассум» болалар боғчасида 180 нафар келажагимиз ворислари тарбияланади.

...Боғча ҳовлисига киришингиз билан саранжом-саришталик эътиборингизни тортади. Чор-атроф супуриб-сидирилган, ораста. Боғча мудираси Замирахон Маҳмудовани суҳбатга тортамиз.

— Боғча шароитини яхшилашда, унинг моддий базасини мустаҳкамлашда оталиқ ташкилотининг ҳам ўз улуши бўлса керак?

— Бой оталиқ ташкилотимиз бор — «Барион» заводи, — дейди мудира. — Улар ҳар қандай шароитда боғчамиздан ёрдамларини аяшмаяпти. Бу йил иситиш тизимимизни таъмирлашди, боғча ҳовлисида ўйингоҳ қуриб, темир аргумоқлар ясаб беришди. Қишки тайёргарликларимизга ҳам ёрдам кўрсатишяпти.

— Боғчамида 8 та гуруҳ бор, — суҳбатимизга аралашди, тарбиячи Анорхон Жўраева.. — Шундан 5 таси ўзбек, 3 таси рус гуруҳлари. Рус гуруҳларида ўзбек тилини ўрганишга жиддий эътибор беряпмиз. Таълим жараёнида коммуникатив таълим тизими услубидан фойдаланамиз. Бу — яхши натижа бераётир. Барча гуруҳларда ўзбек халқи урф-одатлари бирдек ўргатиб борилмоқда.

Тарбия масканининг ҳовлиси ва кўчадаги кичик ер-участкаларига турли хил мевали ва манзарали дарахтлар, сабзавот маҳсулотлари, ош кўклар экилган. Бу ҳам жажжи болакайларнинг иши. Улар тарбиячи опалари ёрдамида боғча ҳовлисида ишлаб, деҳқончилик ишларини, дастёрликни, меҳнат қилишни ўрганишади. Ўзлари парваришлаб етиштирган ҳосиллар ҳақида керакли маълумотлар олишади. Шунингдек, ҳар бир мева ёки сабзавот маҳсулоти пишиб етилганда, унга атаб шеър, қўшиқ ва эртаклар айтишади.

Боғчанинг умумий кўринишига назар ташлаган киши бу ерда ҳақиқатан ҳам эртаклар шаҳарчаси яратилганлигининг гувоҳи бўлади. Деворларга, махсус ясалган стендларга, ҳатто боғча дарвозасига ҳам эртаклардан лавҳалар жуда маҳорат билан чизилган. Иккинчи қаватга чиқишдаги зинапоя остига қўлда ясалган ўйинчоқлар турли ҳолатларда қўйилган бўлиб, эртаклар майдончасига айлантирилган. Ҳовлидаги ер-участкалари четига эса митти тандирлар қурилган. Болалар бу ерда нон ёпишни ўрганишади, боғча опаларидан тандир ҳақида, меҳрибон бувижонлари ясаб берадиган кулча тўғрисида маълумот олишади. Ана шу каби манзараларни кузатиб туриб, мазкур эртак-боғчанинг ўз ишига пухта тарбиячилари қўлида бахтиёр болажонлар тарбияланаётлиги кишида ҳавас уйғотади.

Авез ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

«ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Янги алифбога босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2000 йил 1 сентябрига қадар тўлиқ тугаллансин.

3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси ташкил этилсин (таркиби илова қилинади).

Республика давлат комиссияси:

уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин;

1993—1994 йиллар давомида ўзбек орфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин;

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашнинг ушбу Қарорини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органларига услубият ва ахборот бобида мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб борсин;

республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбони жорий этиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартиби асосида:

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалда жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларида эса факультатив машғулотлар ташкил этишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августга қадар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари республика давлат комиссияси билан келишган ҳолда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишга доир дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузсинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу жумладан тасарруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳлари тузсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, янги алифбони жорий этишга доир барча ҳаражатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1994 йилги ҳамда ундан кейинги йилларга мўлжалланган давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбони жорий этиш мақсадида зарур бўладиган маблағларни бюджетдаги ташкилотлар учун — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ажратилишини назарда тутсин;

1993—1995 йиллар давомида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларида янги алифбони факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1940 йил, № 4) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь.

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Комиссия раиси.

Абдуллаев Ж. А. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири — Комиссия раисининг ўринбосари.

Йўлдошев Ж. Ғ. — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири — Комиссия раисининг ўринбосари.

Юсупова Б. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари — Комиссия раисининг ўринбосари.

Ғайбуллаев С. Ф. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг катта эксперти — Комиссия котиби.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаев М. У. — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Алламуродов Б. А. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси.

Боқиева М. О. — Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Дадажонова Д. Д.—Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Ёқубов О. Э. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитасининг раиси.

Жабборов А. Ж. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг шўъба мудири.

Жалилов А. Т. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Фан ва экология масалалари қўмитасининг раиси.

Жалилов Ш. И. — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби.

Жуманиёзов М. Ж. — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Жўрабоев А. Ж. —«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири.

Марднев А. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири.

Матчонов О. (Омон Матжон) — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти.

Мирзаев Т. М. — Ўзбекистон Республикаси ФА Адабиёт институтининг директори.

Мустафоев Б. М. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

Муҳитдинов Н. А. — Ўзбекистон Республикаси «Ёдгорлик» жамиятининг раиси.

Орзиматов А. С. — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби.

Раҳимов Б. Р. — Ўзбекистон Республикаси Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

Саидов Н. Ш. — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Салоҳиддинов М. С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти.

Субҳонова Г. С. — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Тўйчиев Қ. Т.—Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Фахриддинов Ҳ. Б. — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Халилов А. В. — Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Худойбердиева Ҳ. У. — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, «Саодат» журналининг бош муҳаррири.

Шодиметов Ю. Ш. —Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг мудири.

Шоғуломов Р. Ш. — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси.

Эрбеков И. И. — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси.

Қодиров П. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитасининг раиси.

Қурбонов Т. Қ. — Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Кўчқортоев И. Қ. — Республика «Ўзбек тили» жамиятининг раиси, ТошДУ филология факультетининг декани.

Ҳайитбоев Э. Қ. — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири.

Ҳамидов Ҳ. Ҳ.— Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Ҳожиев А. П. — Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институтининг директори.

Ҳамкорлик ижодкорликка ундайди

Бозор иқтисоди шароитида оммавий ахборот воситаларини, хусусан, газеталар қийинчиликларини ҳал этишда республика ҳукуматининг моддий ва маънавий рағбати таҳририятлардаги ижодий ходимларни изланишга, имкониятлар топиб, газета мазмундорлигини бойитишга даъват этмоқда. Ана шундай шароитда газетхонларимизнинг журналистларни қўллаб-қувватлаётганлиги, газета ўз ўқувчисини топиб олаётганлиги ҳам, тўғриси, илҳомга илҳом қўшиб, ижодкорларга хушкайфият бағишлаяпти.

Куни кеча «Маърифат»нинг таҳрир ҳайъати газетамизнинг узоқ йиллик ўқувчилари, таълим тизимидаги муаммоларни изчил ёритишда яқиндан кўмаклашиб келаётган бир гуруҳ маорифчилар билан учрашди. Газета бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким уларни ижодий жамоа билан таништириб, таҳририятда олиб борилаётган тадбирий ишлар, келажакдаги режалар ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг газетамиз жонкуярлари таълимни юксалтиришдаги ютуқлар, уни омма орасига етказишда «Маърифат»нинг мавқеи ҳамда газетанинг янада мазмундорлигини оширишдаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Қуйида ана шу давра суҳбати тафсилотини фикрингизга ҳавола этамиз.

Янгибой ҚОДИРОВ, Андижон вилояти Булоқбоши тумани халқ таълими бўлими мудири:

— Ўқитувчиларимизнинг бир соатлик дарсни кўнгилдагидек ўтишларида «Маърифат» газетаси яқиндан ёрдам бериб келаётганлигини эътироф этмайман. Эндиликда севимли газетамиз ҳаммамизга маънавий ва моддий озуқа бераётганлиги ҳам сир эмас. Газета ўз ўқувчисига қандай фойда бераётганлиги ҳақида гап кетаркан, айрим таклифларимни айтмоқчиман. Чунки мен «Маърифат»нинг узоқ йиллик ўқувчиси, унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Айтайлик, норматив характердаги мақолалар, ўқитувчи маоши оширилиши муносабати билан вазирликдаги мутахассислар ҳамкорлигида тоифаларга белгиланаётган ўртача ҳақ юзасидан чиқишлар қилинса, шунингдек, вазирлик томонидан чиқарилаётган айрим буйруқлар газета орқали шарҳлаб берилса, нур устига аъло нур бўларди.

Бахтибой ЖУМАГУЛОВ, Навоий вилояти Томди тумани халқ таълими бўлими мудири:

— Туманимиз мактабларида асосан қозоқ тилида дарслар олиб борилади. Лекин шунга қарамай, «Маърифат»ни мунтазам ўқиб борамиз. Бизда муаммолар жуда кўп. Масалан, эндиликда қозоқ мактабларига ўзбек тили, Ўзбекистон жуғрофияси, иқтисодий фан асослари каби фанлар ҳам киритилди. Аммо уни амалга оширишда бизда на дарслик, на дастур ва на мутахассис бор. Қозоқ тилидаги дарсликларни ҳам минг бир азоб билан Қозоғистон республикасидан оламиз. Бу муаммоларни айтишдан мақсадим, шуки, «Маърифат» Ўзбекистондаги қозоқ мактаблари ҳаётини ёритишга эътиборни қаратса. Ёз ойларида «Маърифат»нинг илова сонларини тўлиқ ўқиб бордим. У алоҳида фанларга мўлжалланганлиги билан ажралиб туради. Имкони бўлса, қозоқ тили фанларига мўлжалланган иловалар ҳам келажакда сиз журналистлар ташаббуси билан чиққанида, бошимиз кўкка етарди.

Умуман, биз сиз журналистлардан, «Маърифат»дан нажот кутамиз.

Мардон ОЛТИЕВ, Бухоро вилояти Қоракўл тумани халқ таълими бўлими мудири:

— Газетанинг узоқ йиллик муштарийсиман. Тўғрисини айтганда, уни номи ўзгариши билан мазмундорлиги ҳам ортди. Эндиликда янги-янги рукнларнинг шакллланаётганлиги, маорифчилар дарди, улар орзу қилиб келган масалаларнинг газета орқали юзага чиқаётганлиги биз муштарийларни қувонтирмоқда.

Келажакда ўқитувчилар манфаатини кўзлаб чиқарилаётган фармонлар мутахассислар томонидан шарҳланса, шунингдек, мактабгача тарбия муассасалари хусусида ҳам жиддий чиқишлар бўлса, қўшни республикалардаги маорифчилар ҳаёти, улардаги янгиликлар ҳам ёритиб борилса, айни муддао бўларди.

Набижон САРБОЕВ, Андижон вилояти Корасув шаҳар халқ таълими бўлим мудири:

— «Мен «Маърифат»нинг қалбимиздан қандай ўрин олаётганлигини гапирмайман. Чунки юқорида ҳамкасбларим тўғри таъкидлашди. Асосий фикрим, даврнинг қийинчиликларига қарамай, республикамиз мустақил бўлди, унинг мафкураси яратилмоқда. Галдаги вазифа ана шу мафкурани ёшлар онгига сингдиришдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда газета келажакда ўз саҳифаларидан айнан ана шу мавзу учун кенгроқ жой ажратишни истардим.

Обиджон МАҲМУДОВ, Андижон вилояти Марҳамат шаҳар халқ таълими бўлими мудири:

— Эндиликда даврнинг ўзи ёшларни Шарқ педагогикаси билан яқиндан таништириши, уни юқори поғонага олиб чиқишни тақозо этмоқда. Шунингдек, болалар кутубхонасини яратиш ҳам олдимизда турган муҳим масалалардан бири бўлиб қолаяпти. Бу ишларни амалга оширишда «Маърифат» газетасининг биз педагогларга яқиндан ёрдам беришига ишонаман. Чунки туманимиз педагоглари уни қўлдан қўймай ўқишади, навбатдаги ҳар бир сонининг етиб келишини интизорлик билан кутишади.

Шу боисдан ҳам мактабларимиз жамоаларида газетага келгуси йил учун обуна бўлиш ёппасига бошлаб юборилган. Шаҳар халқ таълими бўлими бу борада ташаббус кўрсатиб ўн нафар кекса педагогни ҳамда беш нафар илғор ўқитувчини шаҳар халқ таълими бўлими ҳисобидан обуна қилди. Гап фақат обуна бўлишда эмас, уни севиб ўқишдадир. Баски шундай экан, келгуси йилда ҳам биз педагоглар «Маърифат»нинг янада дадил чиқишларини, мазмунан бой, шаклан ранг-баранг бўлишини кутамиз.

Сайфулла ТОШЕВ, Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани халқ таълими бўлими мудири:

— Туман халқ таълими бўлимимиз янгитдан ташкил этилди. Кўриниб турибдики, ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз жуда кўп. «Таълим тўғрисда»ги Қонунни босқичма-босқич амалга оширишдаги эришилаётган тажрибалар, фанлар бўйича методик тавсияномалар ва кўплаб бошқа характердаги мақолаларни ҳам фақат «Маърифат» орқали ўқишга ишончимиз комил.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ.

ИШОНЧ

(Бошн 1-бетда).

— Газета жуда кўп хайрли ишлар қилмоқда, — деди институт ижтимоий фанлар кафедраси мудири, доцент Абдулла Сайфутдинов, — таълим жараёни учун янги дастурлар, Ватан тарихига оид манбавий материаллар, иқтисод соҳасидаги таҳлилий мақолалар, жойлардаги илғор иш тажрибалари, миллий мактаб муаммолари хусусидаги мунозаралар сингари зарур ва долзарб мавзулар газета қиёфасини белгилаяпти. Саҳифалардаги қичик хабардан тортиб муаммоли йирик мақолаларнинг аксарияти ўқувчиларга катта наф бераётгани сир эмас. Бироқ газетада ўқитувчи ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи муаммолари кам ёритилмоқда. Халқ таълими ходимининг маънавий қиёфасини кўрсатадиган материаллар ҳам зарур.

— «Маърифат»нинг ўқитувчига амалий ёрдам берадиган материалларни ёритишга кейинги пайтда эътибор бераётганлиги кишини қувонтиради, — деди Қуйичирчиқ туманидаги 46-мактаб ўқитувчиси Анафия Раимқулова. — Куни-кечагина газетада «Дарсликларни варақлаганда» рукни остида 2-синф ўқиш китоби нуқсонлари хусусида танқидий мақола берилди. Жуда тўғри иш қилинди. Чунки кейинги йилларда янги дарсликларни тайёрлаш ва чоп этишда юксак сифат доим ҳам бош мезон бўлаётир деб айтиш қийин. Дарслик мазмунидан ташқари ноширлар ҳам дарсликни сифатли чиқаришга эътибор беришлари зарур. Мазкур дарсликни варақлаётгандаёқ юпқа муқоваси йиртилиб кетади. Уни ёш ўқувчилар беш йилгача қандай асрайдилар. Газета бу каби масалаларни эътибордан қочирмаслиги керак.

Учрашувда сўзга чиққан Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Пўлат Ҳотамов, Тошкент туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Муҳаббат Одилова, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти кафедра мудири Шоира Дўстмуҳамедова ва бошқалар «Маърифат» саҳифаларидаги ижодий мавзуларни ҳам, Ўзбекистон иқтисоди, халқ маорифига доир маълумотлар, халқаро воқеалар шарҳларини ҳам, шунингдек, муаллимлар ташвиш ва ўйларини ҳам имкони борича кенгроқ ёритиб бориши зарурлигини таъкидладилар.

Мухбиримиз.

Кўрик-танлов

Биллур сақоқуш

«Комсомольская правда» газетасида хабар берилишича, Москвада «Россия — 93 йил ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу «Учительская газета» асос солган шундай тадбирнинг тўртинчисидир.

Танлов иштирокчилари — энг яхши ўқитувчилар ҳафта давомида очиқ дарслар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишди. Ўн беш қатнашчидан бештаси 2 октябрь куни «Останкино»да бўлиб ўтган бош финалда иштирок этишди.

Газета ёзишича, бош финал айниқса жиддий, юксак савияда ўтди: кўрик-танлов иштирокчиларини ҳафта мобайнида баҳолаб келган нуфузли ҳакамлар сафига Россия Федерацияси таълим вазири Е. Ткаченко, «Маориф» нашриётининг директори Д. Зуев, «Учительская газета» бош муҳаррири П. Положовец, Ролан Быков, Константин Боровой, Москвадаги мактаблар, институтлар ва касаба уюшмаларининг вакилларидан иборат ота-оналар комитети ва болалар ҳам қўшилишди.

Финалда касб-корлик маҳоратлари билан бирга ўқитувчиларнинг инсонийлик фазилатлари, мураккаб вазиятларда йўл топа олиш санъатлари синовдан ўтди.

Брянскдаги 1-гимназиянинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Олег Парамонов танлов ғолиби бўлди. Ғолиб бош соврин «Биллур сақоқуш», иштирокчилар эса «Россия — 93 йил ўқитувчиси» кўкрак нишони ва ҳомий фирмаларнинг турли эсдалик совғалари, жумладан хорижий давлатларга йўлланмалар билан тақдирландилар.

«Биллур сақоқуш» ҳозирча ғолибга берилгани йўқ. Уни Россия Президенти Борис Ельцин шахсан ўзи топширади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, шу йил Россия Федерацияси ҳукумати биринчи марта «Йил ўқитувчиси» кўкрак нишонини таъсис этди.

Яқинда, аниқроғи, ноябрь ойида жумҳуриятимизда ҳам «Йил ўқитувчиси» кўрин-танлови якунланади. Унда Россияда бўлиб ўтган танловнинг ибратли томонлари инобатга олинса, жумладан бизда ҳам ҳукуматнинг «Йил ўқитувчиси» кўкрак нишони жорий этилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси дарсликка асарлари кирган ёзувчи, шоирлар билан очиқ мулоқот ўтказишга қарор қилди. Бундай учрашувларни ўтказишдан мақсад: — дарсликлардан ўрин олган асарларнинг яратилиш тарихи билан адабиёт ўқитувчиларини кенгроқ таништириш. Ёзувчи, шоир ҳаётига доир маълумотлар билан ошно қилиш, ҳар бир болага асар ва адиб ҳақида чуқурроқ маълумот беришдан иборат.

Ана шундай очиқ мулоқотнинг биринчиси: — Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Шукрулло билан шу йилнинг 18 октябрь куни эрталаб соат 10.00 да Республика ўқитувчилар уйи (Ўзбекистон кўчаси, 80-уй)нинг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Очиқ мулоқотга барча қизиққан ўртоқлар таклиф қилинади.

«ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ» КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИДА

МАҲОРАТ СИНОВИ

Саҳнага оқ ҳарир либосда, маҳрур қиёфада қаҳрамон аёл — Тўмарис чиқиб келганда томошагоҳ зали йиғилганларнинг гулдурос олқишига тўлди. У келажак сари юз тутган азиз халқини истиқлол билан қутларкан, мустақиллиқни мустаҳкамлаш йўлида керак бўлса жоним билан мен ҳам тайёрман, дея асрлар қаъридан нидо қиларди, гўё. Жасорат тимсолига айланган «Тўмарис» Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри залига йиғилганларни, талабчан ҳайъат аъзоларини, тумандаги пешқадам ўқитувчиларни ғоят тўлқинлантириб юборди. Йил ўқитувчиси танловида — Собир Раҳимов туманидаги 165-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Моҳира Сафоеванинг бу чиқиши бир овоздан энг юқори баҳоланди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаевнинг танловни зукколик билан олиб бориши тадбирга ўзгача бир файз бағишлаб турди.

Шу куни йил ўқитувчиси номи учун тумандаги 15-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Владимир Зайцев, 46-мактаб тил ва адабиёт муаллими Улуғбек Раҳимов, 244-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Барно Муҳаммадхўжаева, 28-мактаб физика ўқитувчиси Фарида Шарофиддинхўжаева ҳамда 134-мактаб муаллими Васила Омоновалар ҳам ўзаро куч синашдилар.

Берилган топшириқлар ҳам хилма-хил эди. Таништирув варақаси — ҳар бир ўқитувчи ўзининг касби хусусиятидан, лаёқати, истеъдодидан ҳамда фантазиясидан келиб чиқиб, турли кўринишларда томошабинларга ўзини таништиради. Бу топшириқни Владимир Зайцев ҳамда Барно Муҳаммадхўжаевалар ҳам маромига етказиб бажаришди.

«Келажак мактабини сиз қандай тасаввур қиласиз», деган мавзудаги топшириқни бажаришда беллашувчилар ўзларининг орзуларини, асосли таклифларини баён этишди. Владимир Зайцев, энг аввало, келажакдаги мактаб ўқитувчисининг энг илмли, маданиятли ва истеъдодли бўлишини орзу қилади. Моҳира Сафоева барча мактабларни олмазору ишкомзорлар боғрига кўмилган, ўзини ўзи таъминлайдиган билим масканн сифатида кўрса, Улуғбек Раҳимов ўғил ва қиз болалар алоҳида ўқитилиб, миллий ҳунармандчилигимиз чуқур ўргатиладиган мактабни орзу қилади.

«Ўқитувчининг таътили» топшириғини ҳам беллашувчилар катта маҳорат билан бажаришди. Зайцевнинг сўлим Бурчмулла тоғлари ҳақидаги қўшиғи ҳаммани мафтун этди. Сафоева ҳозирги кунда муаллим деган шарафли номга иснод келтириб, мактабга олиб-сотарлик дардида келаётган айрим ўқитувчиларни фош этади. Барно Муҳаммадхўжаева эса таътилда ўқувчилари билан Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилишга отланишса, Васила Омонова таътилда ўсмир ёшларнинг баъзан қаровсиз қолиб, турли ножўя ишларга бош уришини танқид қилади.

Йил ўқитувчиси туман танловида ўзининг топқирлиги ва зукколиги билан энг кўп балл тўплаган Моҳира Сафоева ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни Владимир Зайцев ва учинчи ўринни Барно Муҳаммадхўжаевалар эгаллашди. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

СУРАТДА: Собир Раҳимов туманида бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси» танловидан лавҳа.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ОИЛА—ТАРБИЯ ТАЯНЧИ

Ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири тарбия масаласи ҳисобланади. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти томонидан «Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари» мавзуига бағишланган республика илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори, профессор К. Юсупов очиб, жамиятнинг равнақ топиши, маданият ва иқтисодиётнинг ўсишида, миллатнинг камолотида оиланинг ўрни, оилавий муносабатларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Олий ўқув юртида, — бўлғуси ўқитувчиларни тарбия ишига яхши тайёрлаш мажмуаси туради, — деб қайд этди нотиқ. Талабаларимиз келажакда ўз оилаларини тўғри қура олишга тайёр бўлиши, мактабда ёшларни яхши ота ва она бўлишга тайёрлай олишлари керак.

Шунингдек, анжуманда республикамиздаги олий ўқув юртларининг етакчи педагог ва психологлари ялпи мажлис ва шўъба йиғилишларида оилада бола тарбиясининг муҳим муаммолари — замонавий ўзбек оиласи, унинг психологик хусусиятлари, ўзбек халқининг этнопсихологияси, оилада истеъдодли болаларни тарбиялашга эътибор, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг психологик хусусиятлари сингари масалалар юзасидан юзга яқин маъруза билан чиқишди. Ана шу масала юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклиф ва истаклар айтилди.

Мухбиримиз.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Бўронбой ОРИФБОЕВ!

Қирқ йилдан ортибдики, Тошкент шаҳридаги 271-мактабда халқ фарзандига жуғрофия сирларини ўргатиб келаяпсиз.

Қутлуғ туғилган кунингиз ҳамда таваллудингизга 66 ёш тўлиши билан сизни муборакбод этамиз. Бахтимизга ҳамиша соғ юринг!

Ҳурмат билан қизингиз МУҲАББАТХОН, набираларингиз ХАЙРУЛЛО, МУҲАЙЕ, СУРАЙЕ ва куёвингиз ҲАМИДУЛЛА ЗУФАРОВЛАР.

Қадрли устозимиз Абдумутал НОДИРОВ!

Сизни 40 йилдирки, минглаб ўқувчиларингиз меҳрибон, илмли муаллимимиз, деб эъзозлаб келишади. Ўқитувчиликнинг нозик томонларидан сабоқ олган кўплаб ёш ўқитувчилар эса устоз, дея ҳурматлашади.

Таваллуд топганингизга 65 йил тўлган ушбу кунда ҳамкасбларингиз чин дилдан қутлаб, Сизга соғлиқ-саломатлик, бахт ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаб қолади.

ПАРКЕНТ ТУМАНИДАГИ 26-МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Ҳурматли Амин ҲАЙИНОВ!

Сурхондарё вилояти Музработ тумани халқ таълими ходимлари Сизни меҳрибон мураббий сифатида яхши билишади. Узоқ йиллар маориф мудири, юқори ташкилотларда ишлаган вақтда ҳам таълимни юксалтиришда ўз меҳнатингизни, маслаҳатингизни аямадингиз.

Ушбу кунда Сизни 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сиздек устоз билан доимо фахрланамиз.

Сизга соғлиқ тилаб туман халқ таълими методистлари А. ЮСУПОВ, Х. ЖЎРАЕВ, Б. ХОЛИҚОВ.

Азиз падари бузрукворимиз Чори МАРДОНОВ!

Уттиз беш йилдирки, Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 6-мактабда ёшларга тарбиячи, педагоглар эса саркорлик қилиб келаяпсиз.

Биз фарзандларингиз сиздек зукко, уддабурон отамиз билан фахрланамиз. Муборак 60 ёшингиз қутлуғ бўлсин!

Фарзандларингиз МАЛИКА, ГЎЗАЛ, ГУЛШАН, АЛИШЕР, ҒАНИШЕР, ШОКИР, НАВРЎЗЖОН.

Обуна—94

ЭНГ ЯҚИН МАСЛАҲАТЧИ

Мустақиллик шарофати билан дунёга келган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг илмий-методик, оммабоп журнали — «Бошланғич таълим» икки ёшга тўлди. Ўтган икки йил мобайнида ўрта мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари учун муҳим қўлланма таянч ва ҳамфикр бўла олган ушбу журнал бугунги кунда ҳам ўз саҳифаларини ўқитувчилар учун фойдали бўлган илмий-методик мақолалар билан бойитиб бормоқда. «Дарсларни кузатганда», «Андозасиз дарс», «Бир дарс таҳлили», «Илғор тажриба минбари», «Одобнома», «Оила даврасида» каби рукнлар остида бериб борилаётган мақолалар ёш ўқитувчиларимиз учун, айниқса, фойдали бўлмоқда, тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда.

Айни дамларда янги 1994 йил учун газета ва журналларга обуна қизғин давом этмоқда, жумладан, «Бошланғич таълим» журнали ҳам келаси йилда муштарийларни янада янги, бой ва қизиқарли илмий-методик мақолалар билан хурсанд қилиш ниятидадир. Журналнинг дастлабки сонларидан бошлаб «Лотин графикасини ўрганамиз» рукнида қатор материаллар бериб борилади, шунингдек, бошланғич синф ўқитувчилари ҳам журнал орқали лотин графикасини ўрганишади. Бу ишларни ташкил этишда бизга олимларимиз, тажрибали муаллимларимиз яқиндан кўмак беришади деган умиддамиз.

Журналнинг 1994 йил учун обуна баҳоси — 6 ойга 1620 сўм, бир йилга — 3240 сўм. Нашр индекси: 75311. Журнал келгуси йилдан 8 босма қоғоз ҳажмида нашр этилади. Ўйлаймизки, у бошланғич синф ўқитувчиларимизнинг энг яқин кўмакчиси ва маслаҳатчиси бўлиб қолади.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.



КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Ёшларни илм-фаннинг турли тармоқларида иш олиб борадиган юқори савияли мутахассислар қилиб тайёрлаш куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада мактабдан ташқари муассасалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Республика ўқувчилар саройида ўтказилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Дарҳақиқат, гурунгдошлар таъкидлаганидек, мактабдан ташқари муассасаларда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас эканлиги кўзга ташланмоқда.

Кўплаб малакали ходимлар иш ҳақининг озлиги туфайли бошқа жойларга ишга ўтиб кетишаяпти. Мактабдан ташқари муассасаларда болалар машғул бўлишлари учун етарли шарт-шароит, асбоб-ускуналарнинг йўқлиги ҳам ишга салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари ўқувчилар саройига ижодиёт марказлари ва илм-ҳунар ўргатувчи муассасаларга қатнайдиган болалар сони ҳам анча камайиб қолди. Бунинг сабаби, айрим ўсмирлар тижорат ишларига ўзларини уришмоқда, ёки бошқа ишлар билан машғул бўлишмоқда. Кўплаб болалар эса бекорчиликдан кўча чангитиб юришибди. Бу ҳол ўз-ўзидан маълумки, ўсмирлар ўртасида жиноятчилик илдизининг кенг томир отиб кетишига олиб келиши мумкин.

Давра суҳбатида тўгараклар фаолиятини кенгайтириш, мактабларнинг ўзида маҳалла ва, ҳатто, болалар боғчаларида тўгараклар ташкил этиш тўғрисида фикрлар билдирилди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти рус ва корейс филологияси факультети жамоаси рус тили кафедраси доценти Валентина Михайловна Хегайга отаси

Михаил Алексеевич ХЕГАЙ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тақриз

Муҳим тадқиқотлар

Яқинда «Ўқитувчи» нашриётида Ислом Турсунов нинг «Истиқлолга интилган қалблар нидоси» ва «Халқ таълимининг долзарб муаммолари» деб номланган монографиялари нашрдан чиқди.

Маълум ижтимоий тузумнинг турли жабҳаларидаги фаолиятига одилона баҳо бериш тарихий тадқиқотларнинг, хусусан, педагогика тарихининг муҳим вазифасидир. Айтмоқчиманки, ўтмишимизни ҳозирги замон нуқтаи назаридан таҳлил қилмай туриб, педагогик жараён истиқболи ҳақида фикр юритиш кутилган натижани бермайди.

Ўтмиш маданият ва педагогик жараёнлар ҳақида хулоса чиқариш учун кўплаб асос материаллар тўпланиши керак. Бундай манбалар айрим ўқув юртларининг маълум даврлардаги фаолияти, алломалар ҳаёти ва ижоди, педагогик фаолияти бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда муаллиф муҳим мавзуни танлаб, уни ижодий таҳлил этишга муваффақ бўлган.

Шунингдек, ўзига хос публицистик йўналишда — воқеликни одилона ифодалаб, масалани жонли тилда ёритишга эришган. Мазкур илмий тадқиқотда Носир Эркин, Эсон Мусаев, Ботир Ғуломов, Зиё Саид каби маърифатпарварларнинг ижодий, педагогик фаолиятлари забардаст ҳамюртларимиз А. Икромов, Ф. Ҳўжаев, Ғ. Юнусов, Чўлпон, Фитрат, А. Қодирийлар билан бирга уйғун равишда қаламга олинган.

Янги илмий-педагогик ишнинг яна бир ўзига хослиги материалларнинг ҳаётий танланиб, алломаларнинг ачиқ тақдири, кечмишлари публицистик йўналишда таҳлил этилганлигидир.

«Халқ таълимининг долзарб муаммолари» китобида муаллиф ўз фаолиятини педагогик касбини эгаллашга қаратган бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлашда муаллимларнинг бевосита бажарадиган функцияларини аниқлашга қаратади.

Китобда ўрта, олий ва ҳунар мактаблари алоҳида-алоҳида тадқиқ қилинган, лекин улар орасидаги боғлиқлик, биридан-бирига уйғун ўтиш масалалари, ҳамма бўғинлар учун алоҳида ва ҳаммаси учун бир хил бўлган қонуниятлар аниқ ҳаётий мисоллларда ишонарли қилиб ёритилган.

Муаллиф олий ўқув юртларига қабул қилишни сифат жиҳатидан яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталади, талаба танловининг янада янги шаклларини таклиф этади.

Олий таълим педагогикаси соҳасининг йирик мутахассисларидан бири бўлган И. Турсунов кўплаб монографиялар, педагог-алломаларга оид илмий оммабоп мақолаларнинг муаллифидир. Унинг бу икки китоби кўп йиллик илмий изланишлари ва тадқиқотлари заминида педагогика назарияси, педагогика тарихи фанлари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

У. НИШОНАЛИЕВ, педагогика фанлари доктори, профессор.

«ГУЛХАН» билан дўстлашиб

Тўққизинчи синфда ўтишим керак бўлган «Широқ» афсонасига тайёргарлик кўрардим. Афсонадан маълум бўлишича, Широқнинг хийласи билан жазирама саҳрода қолган Доро лашкарларининг кўпчилиги ташналик ҳамда очликдан қирилиб кетади...

Қизиқ, қолган босқинчиларнинг тақдири нима бўлганийкин деб ўйладим. Борди-ю шундай саволни болалар бериб қолишса-чи?!

Беихтиёр иш столим устида турган «Гулхан» журналини варақладим... Беморнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади. Журналнинг «Искандар Мақдуний ва сақ чўпони» номли ҳикоясида айнан Доронинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинганди...

Шундан кейин мен журналнинг 1993 йилда чиққан барча китобчаларини кўздан кечириб чиқдим. Айтишим мумкинки, бу менга жуда катта озиқ берди.

Мана, журналнинг шу йилги биринчи китобчаси. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси билан очилади.

Рангли расмлар билан безатилган «Одобли бола ўйини» ҳикоясидан эса одобнома ҳамда тарбия соатларида бемалол фойдаланиш мумкин экан. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ўзининг бу ҳикоясида одобли болалар қандай фазилатлар соҳиби бўлиши ҳақида унутилиб кетган қадимий болалар ўйини орқали ҳикоя қилади, ўзбекларнинг бола тарбиясидек нозик ишни нечоғлик усталик билан амалга оширганликларини кўрсатади.

Рулбаданбегимнинг «Тумордаги лаъл» ҳикоясини айтиб бериш билан эса Бобур ва бобурийлар ҳақидаги дарс мавзусини болаларга номаълум бўлган яна бир факт билан бойитган бўламиз.

Иш жараёнимизда «Гаплашгаштакнинг гашти», «Доно халқнинг башоратлари», «Дастанинг чиқилдаги» сақифаларидан фойдалансак қадимги болалар ўйинларини ўқувчилар ёдига солиш билан бирга болаларда табиат ҳодисаларини кузатишга қизиқиш уйғотишимиз мумкин.

Умуман журнал материаллари муаллим учун дарсларда фойдаланишга манбадир.

Журналнинг 1994 йилги иш режасида тарихга, меросимизга, маорифимизга, тарбияга бағишланган талайгина суҳбатлар, мактаблардаги илғор тажрибаларни оммалаштирувчи мақолалар бор экан. Ана шунинг учун мен бу йил ҳам «Гулхан»га обуна бўлишга аҳд қилдим. Обуна ҳақи бир йилга 3396 сўм экан. Ушбу маблағ эвазига бир йил мобайнида содиқ дўст билан ҳамфикр бўлиш, унинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш қандай яхши.

Муҳаббат ҲАМИДОВА. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 1993 ЙИЛГА АСПИРАНТУРАГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

ҚУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

07.00.03. Умумий тарих — 1.

07.00.05. Халқаро муносабатлар тарихи ва ташқи сиёсат — 1.

08.00.01. Сиёсий иқтисод — 3.

08.00.05. Халқ хўжалигини илм-фан тармоқлари бўйича ташкил этиш, режалаштириш ва унинг иқтисоди — 3.

09.00.06. Илмий атеизм, дин тарихи ва ҳозирги замон — 2.

10.01.06. Осиё, Африка ва хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти — 2.

10.02.08. Форс тиллари — 2.

10.02.19. Тилшунослик назарияси — 2.

10.02.22. Осиё, Африка ва Австралия халқлари тиллари — 2.

23.00.04. Халқаро системалар ва жаҳоншумул ривожланишнинг сиёсий муаммолари — 4.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

23.00.04. Халқаро системалар ва жаҳоншумул ривожланишнинг сиёсий муаммолари — 1.

Ҳужжатлар қабул қилиш муддати шу йил 15 октябрдан 15 ноябргача.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 15-уй, 312-хона. Аспирантура бўлими.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов, Алишер Каримов, Ғаффор Маннопов, Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов, Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов, Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-549. 91379 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 21.30. 1 2 3 4 5 6.